

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

32-сон
(844)
2018 йил
13 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

654. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 августдаги ПФ–5504-сон Фармони
655. «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони
656. «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПК–3898-сон қарори
658. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида» Ўз-

бекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги ПҚ–3901-сон қарори

659. «Мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПҚ–3904-сон қарори
660. «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги ПҚ–3906-сон қарори

Учинчи бўлим

661. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси намуналарини, шунингдек, уларни тайёрлаш, ишлатиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 630-сон қарори
662. «Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сон қарори
663. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 645-сон қарори

Бешинчи бўлим

665. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 2-мх, 37-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-1*)
666. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 17 июлдаги 40, 40, 253, 1/210, к-14-сон «Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3048*)

667. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июлдаги 332-В-3, 113, 25, 01/16-1-10/30-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-3*)
668. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 августдаги 407-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049*)
669. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 104, 2018-58-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-3*)
670. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 39, 31-қ/қ, 50, 34, 14-2018-сон «Психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3050*)
671. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-15*)
672. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 11-мх-сон «Спортчи» лавозимига қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051*)
673. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги

412-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 4 августдан 10 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

654 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 29 мартдаги ПФ–5388-сон, «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 8 майдаги ПФ–5439-сон фармонлари, «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон ва «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 4 майдаги ПҚ–3694-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қулай шарт-шароитларни яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девони ходимларини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

денти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 август,
ПФ–5504-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 7 августдаги
ПФ–5504-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 23 августдаги ПФ–938-сон Фармонининг 4-банди учинчи хатбошисидан «йил бошида белгиланган» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги 2002 йил 25 январдаги ПФ–3017-сон Фармонининг 2-бандидан «йил бошида белгиланган» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ–4051-сон Фармонида:

3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва «Микрокредитбанк» АТБнинг банк томонидан қуйидаги микромолиявий хизмат турларини тақдим этиш бўйича таклифлари маъқуллансин:

а) кичик тадбиркорлик субъектлари бизнесини бошлаш ва ривожлантириш (кенгайтириш) учун, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган молиявий ресурслар доирасида имтиёзли фоиз ставкаларида ажратиладиган микрокредитлар;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан микрофирмалар, кичик корхоналар), деҳқон ва фермер хўжаликларига — тадбиркорликни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваригача миқдорда микрокредитлар;

в) кичик тадбиркорлик субъектлари учун — технологик ускуналар ва

техникалар сотиб олиш учун 3 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 2 000 бараваригача миқдориди микролизинг хизматлари.

Ажратиладиган минокредитлар ва кўрсатиладиган микролизинг хизматлари бўйича фоиз ставкалари «Микрокредитбанк» АТБ сиёсатига асосан белгиланади»;

4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги 2017 йил 5 майдаги ПФ-5037-сон Фармонида:

3-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девони ходимлари учун олдинги иш жойида берилган кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ ва устамалар, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даража ва бошқалар) сақланиб қолади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонидаги иш вақти навбатдаги ҳарбий ва махсус унвон бериш учун иш стажига киритилади ҳамда улар бўйича, шу жумладан кўп йиллик хизматлар учун устамалар ҳисобланади ҳамда тўланади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонида иш фаолияти даврида ҳарбий ва махсус унвонлар бериш олдинги иш жойи бўйича назарда тутилган тартибда тегишли ҳарбий ва махсус унвонлар бериш учун зарур бўлган муддатлар ўтгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг ёки Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тавсияномаси асосида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорининг 12-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларининг амал қилиши, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонида амалда бўлган барча тўловлар сақланган ҳолда, татбиқ этилсин.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тадбирлар ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармонининг рус тилидаги матнида:

а) 1-иловада:

«Учебно-методический отдел 5» блокадаги «5» рақами «6» рақами билан алмаштирилсин;

«Центр компьютерных технологий 6» блокдан кейин «Региональные филиалы* 20» блоки билан тўлдирилсин;

изоҳдаги «160 единиц» ва «34 ед.» сўзлари тегишинча «181 единица» ва «44 ед.» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«*) Численность персонала регионального филиала составляет 4 штатных единиц — директор, главный специалист, главный методист и технический персонал»;

б) 2-иловининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. К руководящему составу Академии относятся должности ректора, проректоров, деканов и директоров филиалов».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорига 2-иловада:

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига татбиқ этилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-бандда:

«а» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати раҳбарининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига берилади»;

«б» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати раҳбарининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ўринбосарига берилади»;

4¹-банднинг «а» кичик банди «шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги

ПҚ–3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентида:

121-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«121. Афв этиш маҳкумга нисбатан уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади»;

122-банддаги «2009 йил 13 мартдаги ПФ–4094-сонли» сўзлари «2018 йил 8 майдаги ПФ–5439-сонли» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3225-сон қарорининг 1-бандида:

«в» кичик банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

миллий валютада, қиймати 8 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида — 5 фоизли пункт миқдорида;

миллий валютада, қиймати 8 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 мартдаги ПҚ–2844-сон қарорига 2-иловада кўрсатилган туманларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ–5386-сон Фармони билан тасдиқланган «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар учун — 8 фоизли пункт миқдорида;

миллий валютада, қиймати 8 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда — ёш тадбиркорлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсияси билан жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар бўйича — банklar харажатларини қоплаш учун 3 фоизли пункт миқдорида;

хорижий валютада, қиймати эквивалентда 8 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;

хорижий валютада — 2017 йил 5 сентябргача иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва совутгичлар қуриш учун халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобига ажратилган валюта кредитлари бўйича — белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 5 мартдаги

ПҚ–3584-сон қарори 8-бандининг рус тилидаги матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Определить, что:

реализация железнодорожных и авиабилетов гражданам, выезжающим за рубеж и приобретающим железнодорожные и авиабилеты в порядке, предусмотренном в абзаце седьмом пункта 7 настоящего постановления, для осуществления временной трудовой деятельности, осуществляется по схеме согласно приложению;

денежные средства АК «Алокабанк», направленные на возмещение приобретения железнодорожных и авиабилетов для граждан, выезжающих за рубеж для осуществления временной трудовой деятельности, не облагаются налогом на прибыль юридических лиц и налогом на доходы физических лиц, а также не являются благотворительными пожертвованиями».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 7 августдаги
ПФ–5504-сон Фармонида
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 19 мартдаги ПФ–2270-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 2016 йил 21 июлдаги ПФ–4810-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 10 майдаги ПФ–5040-сон Фармонида илованинг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 16 июндаги ПФ–5086-сон Фармонида илованинг 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5200-сон Фармонида 1-илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**655** **Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашуви қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инobatга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти.

Шу билан бирга, умумий тусга эга бўлган қонунлар кўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмисиз айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда.

Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жихатдан таъминланишини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амал-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 августда эълон қилинган.

га ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Амалий чора-тадбирлар режаси) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш;

норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг қўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кучга кирган пайдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг қўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилади. Бунда, тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида улар қабул қилинганидан кейин алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, «йўл хариталари»ни қўшимча тарзда тасдиқламаган ҳолда аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмларини белги-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

ловчи нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар мажбурий равишда назарда тутилади;

янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга таклиф этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

4. Қўйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда уларни манфаатдор идоралар билан келишиш тартибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда илгари фаолият юритган Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарорларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар истисно этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тасдиқлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 январдан эътиборан қўйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»га обуна бўлиш;

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»ни уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) ўтказган ҳолда нашр этиш, бундан архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига қўра тайёрланадиган нусхалар мустасно.

6. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Комиссия (Н. Исмоилов):

а) Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминласин;

б) Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этсин;

в) бир ой муддатда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин:

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги;

г) икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва «тартибга солиш гильотинаси» усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

д) икки ой муддатда қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари, кўриб чиқилиши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда риоя қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабоп рўйхатнинг шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни таъминласин:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, масъул идоралар,

бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорликни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимини, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутган ҳолда модернизация қилиш:

миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини такомиллаштириш;

хаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган хаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида кўрсатиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими» порталининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юртлири талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратсин ва уни мунтазам равишда янгилаб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

хар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Амалий чора-тадбирлар

режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга норма ижодкорлиги соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, зарур ҳолларда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллари жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этишга қўмаклашсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 август,
ПФ–5505-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 8 августдаги
ПФ–5505-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш КОНЦЕПЦИЯСИ

Жамият ҳаётининг бир қатор соҳаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонунчиликнинг жадал ривожланиши айрим ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган кўплаб нормаларнинг вужудга келишига олиб келди.

Мазкур ҳолат ўтказилаётган ислохотларнинг белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун бутун қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

I. Қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш

1. У ёки бу ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун зарур бўлган ҳужжатнинг муайян турини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ белгилаш.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш мақсади, қабул

қилиш тартиби ва амал қилишнинг юридик оқибатларидан келиб чиқиб, уларни таснифлашни такомиллаштириш.

3. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш ҳисобига аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш.

4. Муайян муаммони ўзга чоралар (маъмурий тартиб-таомиллар, бошқаришга оид қарорлар, судда кўриб чиқиш) ҳал эта олмаса ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизда асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашувига йўл қўйиладиган тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципнинг амалда ишлашини таъминлаш.

5. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич камайитириш ва уларни қабул қилиш бўйича ваколатларни бекор қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда ҳар бир идоранинг юрисдикцияси рўйхатини аниқ белгилаш йўли билан уларнинг норма ижодкорлиги ваколатларини чеклаш.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий базасининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва халқаро шартномалар нормаларига мувофиқлигини таъминлаш.

7. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш.

8. Қонун ҳужжатларини қўллаш чегараларини аниқлаш билан уларнинг қўлланилишини тушунтириш бўйича Олий суд Пленуми қарорларини қабул қилиш жараёнларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, тушунтириш ва шарҳлашга доир ҳужжатлар устидан шикоят қилиш механизмларини жорий этиш.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш

1. Сифат, шаффоқлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш.

2. Конституциявий суд томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шарт-

номавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда унинг қарорларини ижро этишнинг таъсирчан тартибини жорий этган ҳолда Конституция нормаларига зид равишда қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорларни бекор қилишга қаратилган қарорларни кечиктирмай қабул қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш.

3. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакилларини жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш.

4. Идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш.

5. Фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат устидан шикоят қилиш ва уни бекор қилиш ни талаб қилиш тартиб-таомилларини аниқлаштириш, маъмурий судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мазкур жараёндаги ролини белгилаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жараёнини аниқлаштириш.

III. Норма ижодкорлиги жараёнига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

1. Норма ижодкорлиги жараёни (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш, келишиш, киритиш ва ижросини мониторинг қилиш) босқичларини электрон шаклга ўтказишни назарда тутувчи электрон норма ижодкорлиги тизимини ривожлантириш.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш тартиб-таомилини оптималлаштириш ва расмийчиликнинг олдини олишга қаратилган, шу жумладан лойиҳанинг ҳажми, тартибга солиш предметининг мураккаблиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда келишиб олиш тартиб-таомилларини назарда тутувчи механизмни жорий этиш.

3. Фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларда кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонун ҳужжатлари маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш.

4. Икки ва ундан ортиқ тилларда тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари матнларининг ўзаро мувофиқлигини лингвистик экспертизадан ўтказишни таъминловчи органни белгилаш.

5. Фуқароларнинг жамоавий ташаббусларини электрон тақдим қилиш («Mening fikrim» веб-портали) тизимини ташаббусни тақдим қилиш учун

овозлар сонини хорижий мамлакатлар тажрибасига мувофиқ қайта кўриб чиққан, ҳуқуқ нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга нисбатан фуқаролик ташаббусларини давлат органлари томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиб-таомилларини аниқлаштирган ва уларни кўриб чиқишга ваколатли органлар доирасини кенгайтирган ҳолда янада такомиллаштириш.

IV. Норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш

1. «Ақлли тартибга солиш» модели, шу жумладан тартиб-таомилларни мураккаблаштиришни назарда тутувчи, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда қуйидагилар тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган элементларини қўллашга босқичма-босқич ўтиш:

фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва жамият томонидан қилинган ижро харажатлари таклиф этилаётган лойиҳа нормасида назарда тутилаётган харажатларга тенг ёки ортиқ бўлганда мавжуд нормани бекор қилиш; мураккаблаштирувчи тартиб-таомилларнинг амал қилиш муддатини чеклаш, бунда муддат ўтгач улар мавжуд тартибга солишни яхшилаш, унинг бундан буёнги заруриятини асослаш ёки автоматик равишда кучини йўқотган деб топиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим.

2. Муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи хорижий мамлакатларда ижобий синовдан ўтган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолашдан ўтказиш тизимини жорий этиш.

3. Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш мониторинги жараёнининг узвий қисми сифатида уларнинг таъсир кучини баҳолаш тизими тартиб-таомилидан ўтиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг яқунланган рўйхатини аниқлаш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига эришиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни улардан мазкур мақсадларга эришиш кўрсаткичлари сифатида фойдаланган ҳолда аниқлаштириш амалиётини йўлга қўйиш.

5. Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизими амал қилишини унинг таъсирини қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга татбиқ этиш орқали таъминлаш.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарали усуллари ва методологиясини мазкур тартиб-таомилни қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимининг узвий элементи сифатида белгилаган ҳолда татбиқ этиш.

7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиб олиш ва жамоатчилик муҳокамаси босқичларида муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид таҳлилий ҳужжатлар билан мажбурий таъминлаш амалиётини йўлга қўйиш.

V. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш

1. Давлат органлари, илмий ҳамжамият ва нодавлат тузилмаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини, шунингдек, қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича яхлит илмий-назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни таъминловчи ягона мувофиқлаштирувчи ташкилотни белгилаш.

2. Қонун лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини қўйидаги механизмларни жорий этиш йўли билан таъминлаш:

қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш;

реал вақт режимида таклифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш.

3. Муайян маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида тартибга солувчи қарорларни синов ҳамда эксперимент тарзида қўллаш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика миқёсида татбиқ этиш принциплари ва тартиб-таомилларини жорий этиш.

4. Қонун ҳужжатларининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва қонунчиликнинг тизимли камчиликларини аниқлаш мақсадида суд, ҳуқуқни қўллаш ва назорат амалиётининг статистик ҳисоби ҳамда таҳлили натижаларини идоралараро ахборот алмашиш механизмларини такомиллаштириш.

5. Илмий ва эксперт доиралар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олган илмий-таҳлилий фаолияти натижаларини, шу жумладан мазкур таклифларни ўз ичига олган онлайн ахборот тизимларини яратиш орқали кенг жалб этиш.

6. Эксперт ҳамжамияти билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш.

7. Илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда замонавий иш усулларини ўргатиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг

хуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

8. Ўтказилаётган ислохотларнинг илмий асослантирилганлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш.

VI. Мазкур Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Амалга оширилаётган ислохотларни хуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

656 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида*

Юқори профессионал, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда миллий армияни изчиллик билан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, давлатимизнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясининг қабул қилингани, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани миллий армиямиз сафларини мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётий ва профессионал кўникмаларини илм-маърифат асосида қалби ва онгига сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларида тўққинлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, олий ҳарбий таълим муассасаларида маънавий-маърифий йўналишда дунёқараши ва фикрлаш доираси кенг бўлган офицерларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ва маданий соҳа учун зарур инфратузилмалар замон талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаган. Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишлари лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шаклландирилган, бурчига садоқатли, юқори профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага*;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш схемаси 3-иловага*;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари томонидан ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни ўтказиш схемаси 4-иловага*;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида «Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» деган концептуал ғоя асосида маъна-

* 2 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вий-маърифий ишларни ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг билими ва маънавий савиясини ошириш, ахлоқий-руҳий хислатлари ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш бўйича самарали механизмларни яратишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясининг Қуролли Кучлар тизимида изчил амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясининг (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш;

миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ҳарбий хизматчиларда «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий билимларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, аниқланган муаммолар юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва ташаббусларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида татбиқ этишда амалий ёрдам бериш ҳамда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» этиб белгилансин ва ушбу кунда маънавий-маърифий тадбирлар орқали қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ёрқин мисолларни тарғиб қилиш орқали ёшлар ва ҳарбий хизматчиларда жасурлик ва мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини ошириш;

ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига содиқлик, Қуролли Кучларга ҳурмат туйғусини шакллантириш;

ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарияти, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳарбий хизматчилар оилалари турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича иш режалари («Йўл хариталари») ишлаб чиқиш;

ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тўпланган энг илғор тажрибалар, жанговар тайёргарликда эришилаётган ютуқлар, мамлакатимиз тарихидаги ёрқин воқеаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиб бориш мақсадида учрашувлар, ҳарбий қисмларга ташрифлар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш, бурчга ва Ватанга хиёнат энг оғир жиноят эканини ҳаётий ва таъсирчан мисоллар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш;

эришаётган ютуқлар ҳамда ҳарбийлик касби нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш, шу жумладан, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардиясининг Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларга ҳамда фуқароларга ҳарбий хизматчилар ва ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган «Маънавий-маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Маънавий-маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси икки ой муддатда қўшинларда маънавий-маърифий ва маданий-ҳордиқ ишларини ташкил этиш мақсадида замонавий техник воситалар билан таъминлаш ҳамда зарур объектларни қуриш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда ёшлар билан ишлаш бўлими негизда ушбу бошқарма ва бўлим вазифаларини бажарувчи Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси 6-иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш органлари негизда тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари ташкил этилсин.

Бригадаларда (уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда) ва алоҳида батальонларда «ҳарбий психолог» (офицер) лавозими жорий этилсин.

Ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «психолог», «етакчи социолог», бригадаларда (уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда) ва алоҳида батальонларда «ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси — Маданият маркази бошлиғи» (Қуролли Кучлар хизматчиси) лавозимлари жорий этилсин. Уларнинг ойлик маошларига лавозим моясидан 30% миқдорда ҳар ой қўшимча устама пул тўлаш белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Умумқўшин факультети базасида қўшимча «Қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафкуравий ишлар» мутахассислиги бўйича офицерлар тайёрлаш таълим тизимини жорий этсин ва икки ой муддатда ушбу мутахассислик бўйича малака талаблари, ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқсин;

«Қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафкуравий ишлар» мутахассислигига 2018/2019 ўқув йилида, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Умумқўшин факультетига ўқишга кирган курсантлар орасидан уларнинг розилигига асосан танлаб олинишини ташкил этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги мавжуд Офицерлар уйлари Маънавият ва маърифат марказига, клубларни Маданият марказига айлантирсин ҳамда вазирликнинг Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида «Турон» театр студиясини ташкил этсин;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳарбий шаҳарчаларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг тузилиши ташкиллаштирилсин.

Барча ташкилий-штат ўзгаришлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари штат бирликларининг умумий сони доирасида ўтказилсин.

11. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

* 6-илова берилмайди.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари ҳамда Концепциянинг амалга оширилишини ёритиб бориш бўйича мақолалар эълон қилиш ва мавзуга оид кўрсатувларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 август,
ПҚ-3898-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 4 августдаги
ПҚ-3898-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида
маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг билими, маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик, масъулият, садоқат ва ватанпарварлик ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим-тарбия институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги роли ва аҳамиятини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маъ-

рифий ишлар «Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» концептуал ғояси асосида ташкиллаштирилиб, унда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш энг олий вазифа сифатида эътироф этилади. Мазкур ғоянинг асосий мазмун-моҳияти мамлакатимизнинг тинчлик-осойишталигини, фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш учун ҳар қандай душманга қарши курашишда ўз жонини ҳам аямайдиган, ватанпарвар, фидойи, садоқатли, ҳалол ҳарбий хизматчилар ва ёшларни шакллантиришга қаратилган.

3. Қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини ошириш, ҳар томонлама тайёргарликка эга, кучли ва билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, интеллектуал салоҳиятини, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш ҳамда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш, ҳар томонлама етук ва комил ҳарбий хизматчиларни шакллантириш концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2-боб. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари

5. Концепциянинг асосий мақсади мустақил, кенг дунёқараш ва фикрлашга эга, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс — Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларнинг дунёқарашларини, мантиқий, ижодий ва таҳлилий фикрлаш доирасини кенгайтириш, она Ватан тақдир учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

6. Қўйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимини яратиш;

ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда

дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётини позицияни шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш;

миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ҳарбий хизматчиларда «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган ҳаётини эътиқодни қарор топтириш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва кадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш;

ҳарбий хизматчиларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш.

3-боб. Концепцияни амалга ошириш босқичлари ва йўналишлари

7. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавияти ва дунёқарашлари, Ватанга бўлган садоқат туйғулари, ватанпарварлиги, ҳарбий касбга бўлган қизиқишлари Темурбеклар мактабларида, кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳамда қўшинлардаги ҳарбий хизмат давомида такомиллашиб боради.

8. Концепцияни амалга ошириш борасидаги ишлар уч босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич (шакллантириш) — Темурбеклар мактаблари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳларида таълим олаётган ўқувчи-ёшлар билан ташкил этилади.

Мазкур таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг турли йўналишлари, усул ва шаклларида фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан барқарор, билимли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар, фидойи, дунёқараши кенг ёшлар шаклланади.

Ушбу босқичда қўйидаги масалаларга:

буюк тарихимиз, улуг аллома ва мутафаккирларимиз, миллий урф-одат, анъана ва кадриятларнинг моҳиятини, аждодлар бой меросининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтиришга;

қалбида Ватан тақдирига юксак дахлдорлик, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга;

Ватан ҳимояси муқаддас ва ҳарбийлик шарафли касб эканлиги, жонажон юрти истикболи ва равнақи учун керакли мутахассисликни танлаш зарурлигига;

ёркин мисоллар, адабий асарлар, кино ва театр спектакллардаги қаҳрамонлар орқали улар қалбида ҳарбий касбга бўлган ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга;

ҳарбий тартиб-интизом, одоб-ахлоқ, қатъий ижрочилик, жавобгарлик ва масъулият тушунчаларини сингдиришга;

ёшларда фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодни, миллий ўзлик ва муқаддас динимиздаги юксак ахлоқий мезонлар орқали уларда турли кўринишдаги ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга;

ўқувчиларнинг турли фан йўналишлари, чет тиллари ва ахборот технологиялари, шу жумладан, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича билимларини мустаҳкамлашга;

таълим муассасасида ва соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиладиган «Темурбекнинг издошлари», «Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур» каби танлов ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этишига асосий эътибор қаратилади.

Иккинчи босқич (ривожлантириш) — олий ҳарбий таълим муассасалари ва олий таълим муассасаларининг ҳарбий кафедраларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида таълим олаётган курсантлар билан ташкил этилади.

Мазкур таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг турли йўналишлари, усул ва шаклларида фойдаланилган ҳолда маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, фидойи, садоқатли, ҳалол, фаол ҳаётий позицияга эга ҳамда биринчи босқичда шаклланган, ўз ўрни ва мутахассислигини аниқ белгилаб олган ёшларнинг билимлари ривожлантирилади.

Ушбу босқичда биринчи босқич вазифаларига қўшимча равишда асосий эътибор қўйидаги масалаларга қаратилади:

буюк саркардаларимизнинг ҳарбий санъати ва саркардалик маҳоратларини, аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий меросларини чуқур ўрганишга;

улуғ аждодларимизнинг Ватан озодлиги йўлида мардонавор олиб борган курашлари, мустақиллигимизни ҳимоя қилишда жон фидо этган юртдошларимиз қаҳрамонликларига муносиб бўлиш туйғуларини шакллантиришга;

Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини ривожлантиришга;

халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини ҳамда ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойилик фазилатларини чуқур сингдиришга ҳамда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга;

ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга, танлаган касбини чуқур ўрганишга, Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишга бўлган интилишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга.

Учинчи босқич (такмиллаштириш/қўллаш) — қўшинларда муддатли ва шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркиби билан ташкил этилади.

Мазкур босқичда таълим муассасаларида таҳсил олган, қўшинларда

муддатли ва мутахассислик йўналиши бўйича ҳарбий хизматни давом эттираётган, мустаҳкам билим ва кўникмаларга эга бўлган офицер, сержантлар ва оддий аскарлар таркиби билан ташкил этилади.

Ушбу босқичда биринчи ва иккинчи босқич вазифаларига қўшимча равишда асосий эътибор қўйидаги масалаларга қаратилади:

она юртга ва ўз касбига меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини мустаҳкамлашга, миллий ва умуминсоний фазилатларини оширишга, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимиз, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини юксалтиришга;

Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилишга тайёр, ҳарбий хизматчи шаънини юксалтириб боришга, Ўзбекистон халқига, айниқса, ёшларга намуна бўлиш сифатларини оширишга;

ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллашга, ҳар қандай шароитда Ватан мудофаасига шай туришга, матонат ва жасорат фазилатларини мустаҳкамлашга, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш кўникмаларини такомиллаштиришга;

жанговар тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни мунтазам ошириб боришга, ҳарбий жамоада қарор топган ўзаро ёрдам ва дўстона муносабатларни кадрлаш фазилатларини мустаҳкамлашга;

ҳар қандай қийинчиликка тайёр, юксак ирода ва матонат билан ўзини қаҳрамонликка ундовчи, зийрак, ростгўй, чидамли ва сабр-бардошли, ватанпарвар ва фидойи юрт ҳимоячисини тарбиялашга;

дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтиришга, глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабатни, огоҳлик ва ҳушёрликни, фаол ҳаётий позицияни ҳамда мустаҳкам тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини юксалтиришга;

фуқаролик ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, диний масалалар бўйича билимлари ва миллий мафкурамизга зид бўлган ёт ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни, ўзига ишонч, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлашга;

ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини аниқ баён этишга, маънавияти ва нотиклик санъатини юксалтиришга, жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришда бадий асарларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этишга;

масъулиятни тўлиқ ҳис этишга ва хизматда ибрат, фахр ва ифтихор намунаси бўлишга, етук ва баркамол шахс сифатида ўз дунёқарашлари билан бошқаларни эргаштира олишига.

9. Концепциянинг асосий мақсади, вазифалари ва тизими кенг маънода давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари, ижодий уюшмалар, таълим ва маданий муассасалар, дам олиш масканлари, клублар, кутубхоналар ва бошқа муассасалар фаолияти билан узвий боғланган ҳолда қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

маънавий ишлар;
маърифий ишлар;
маданий ишлар.

10. Маънавий ишлар маънавий-маърифий ишлар тизимининг асосий йўналиши бўлиб, шахс руҳиятини, унинг ўзини-ўзи англаши, диди, фаросати, адолат ва адолатсизликни, яхшилик билан ёмонликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиши, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятини белгилаб беради.

Маънавий ишлар йўналишида ҳарбий хизматчилар ва ёшларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ва замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирчан руҳда ўтказиладиган тадбирлар ташкил этилади.

Маънавий ишлар йўналишидаги тадбирлар асосан маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари ва бошқа тадбирлар орқали баҳс ва семинар, давра суҳбатлари, семинар-тренинг, музокара ва мунозара (диспут), интеллектуал ўйинлар каби шаклларда, давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, имом-хатиблар, ижодкор зиёлилар томонидан ташкил этилади.

11. Маърифий ишлар йўналишидаги тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва ёшларнинг миллий ғоя ва мафкура, қадимий ва бой маданиятимиз, тарихимиз ва азалий қадриятларимиз ҳақидаги билимларини оширишга, уларнинг илмий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимлари ва интеллектуал салоҳиятлари, дунёқарашларини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятдир.

Маърифий ишлар деганда ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб меъёрлари, замон талабларига жавоб берадиган инсоний фазилатларни шакллантириш, тафаккурини юксалтиришга қаратилган илмий ва амалий тадбирлар тизими тушунилади.

Маърифий ишлар йўналишидаги тадбирларда ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий билимларини ошириш орқали юртимизга чексиз садоқат, меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан, келажаги буюк давлат барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик туйғулари юксалтирилиб борилади.

12. Маданий ишлар маънавий-маърифий ишлар тизимининг ажралмас йўналишларидан бири бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва ёшлар онгида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисларини ошириш, юксак эстетик дид ва ахлоқий меъёрларини шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини оммавий тадбирлар орқали (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) синдириладиган тадбирлардан иборатдир.

Маданий ишлар тадбирларида асосий эътибор профессионал ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурлари, буюк аждодларимиз ва алломалар фаолиятига оид сахна кўринишлари, давлат байрамлари ва тарихий саналарга бағишланган оммавий маданий тадбирлар орқали ҳарбий

жамоаларни жипслаштиришга, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишидан ғурурланиш туйғусини юксалтиришга, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги зарурий фаолият сифатида онгли ва ижобий муносабатни ривожлантиришга қаратилади.

Маданий ишлар тадбирлари, қоида тариқасида, дам олиш ва байрам кунлари, маданият ва маърифат марказлари, ҳарбий қисм маданият маркази, кутубхона имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

4-боб. Концепцияни амалга ошириш механизми

13. Концепцияни амалга ошириш механизмида олимлар, ёзувчи, шоир ва сиёсатчилар, ижодкор зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотларининг, шу жумладан Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этадилар.

14. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш алгоритмининг асосини таъсир ўтказувчи объектлар ва субъектлар, маънавий-маърифий тадбирларнинг шакллари, йўналишлари ва усуллари ташкил этади. Жумладан, унда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан — давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, бой тарихимиз, алломаларимиз мероси ва саркардаларимизнинг фидойилиги, қахрамонликлари, ислохотлар жараёни ва ҳаракатлар стратегияси ҳамда таҳдидлар тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан — буюк аждодларимиз ва алломалар фаолиятига оид театр спектакли ва сахна кўринишлари, концерт дастурлари, экскурсиялар ҳамда миллий ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга, нотиклик санъатини шакллантиришга қаратилган оммавий маданий тадбирлар;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан — ҳуқуқий билимларни ошириш, дунёқараш ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабатни, огоҳлик ва хушёрликни, фаол ҳаётий позицияни ҳамда мустаҳкам тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини юксалтиришга қаратилган тадбирлар;

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан — халқимизнинг маънавий кадриятлари, маданияти ва урф-одатларини, бой меросимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойиликни чуқур сингдиришга қаратилган давра суҳбатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан — ислом динининг асл мазмун-моҳиятини етказиш, диний саводхонликни ошириш, диний бағрикенглик, миллатлараро

тотувлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, хушёрлик ва огоҳлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан — маданий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот ҳамда ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича етук соҳа мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ёшлар ва ҳарбий хизматчилар қалбида Ватан тақдирига юксак дахлдорлик, шижоат ва фидойилик туйғуларини шакллантиришга, спорт-саломатлик масалаларига қаратилган оммавий тадбирлар;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан — мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари мазмун-моҳиятини тушунтириш, китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда ватанпарварлик, мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган ижодий учрашувлар;

Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан — ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ва бурчлари, ор-номус, кадр-қиммат, шарм-хаё каби ахлоқий меъёрларни етказиб бориш, оилаларнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммоларини тизимли ўрганиб боришга қаратилган тадбирлар;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан — авлодлар ворислигини сақлаш, Ватанга муҳаббат ва кексаларга эъзоз, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини кадрлашга даъват этиш, ҳарбий хизматчилар оилаларида инсонпарварлик, меҳр-оқибат, яхши кўшничилик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга йўналтирилган учрашувлар ва суҳбатлар;

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан — ҳарбий касбни танлаш ва соҳа йўналишини мукамал ўзлаштириш, ҳарбий техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш, жисмонан етук, кучли ва шижоатли, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, фидойи, садоқатли, ҳалол, фаол ҳаётий позицияга эга етук мутахассисларни тарбиялашга йўналтирилган машғулотлар, мусобақалар ва амалий тадбирлар ташкил этиб борилади.

15. Қуйидагилар Концепциянинг принциплари ҳисобланади:

ватанпарварлик;

садоқат;

ҳалоллик;

адолат;

интизом.

16. Маънавий-маърифий ишлар тизимининг асосини қуйидагилар ташкил этади:

маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари;
маънавият соатлари (Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг йўналишлар бўйича тадбирлари, китоб мутолааси ва бошқалар);
ахлоқий-руҳий тайёргарлик машғулотлари;
хуқуқбузарликлар профилактикаси суҳбатлари;
маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни тадбирлари (мардлик дарслари, акциялар, давра суҳбатлари, экскурсия, ташрифлар, мусобақалар ва бошқалар);

бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиши;

оммавий маданий тадбирлар (театр спектакли, сахна кўринишлари, концерт дастурлари, бадий ва ижодий кечалар, учрашувлар, бадий хаваскорлик жамоаларининг чиқишлари).

17. Маънавий-маърифий ишлар тизими тадбирларида ҳарбий хизматчиларнинг фаол иштирок этишига, фикр ва туйғуларини эркин баён қилишига ҳамда шу орқали нотиклик санъатини оширишга эътибор қаратилади. Унда қуйидаги шакллар устувор аҳамиятга эга бўлади:

семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, ижодий учрашувлар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари;

бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган шахслар билан учрашувлар;

театр спектакли ва сахна кўринишлари, бадий асарлар муҳокамаси, савол-жавоб кечалари, яққа ва жамоавий суҳбатлар;

телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадий ва мусиқий асарлар, аскар қўшиқлари, электрон ўйинлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар иштирокчилари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар;

тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни, мардлик сабоқларини ўтказиш ва экскурсиялар уюштириш.

18. Маънавий-маърифий ишлар тизими тадбирларини ташкил этишда тарғибот ишлари муҳим аҳамиятга эга. Тарғибот ишлари орқали ёшлар ва ҳарбий хизматчилар орасида юксак марраларга ва илғорликка эришган намунали шахслар ва замон қаҳрамонларининг фаолияти ва ишларини тарғиб этиб бориш, уларнинг садоқат ва бурч, ҳалоллик ва поклик, масъулият ва жавобгарлик, жасурлик ва мардлик, юксак ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаб бориш, уларга ғоявий-сиёсий таъсир қилиш ҳамда ҳарбий хизмат билан боғлиқ (давлат ва жамият) манфаатларини ифода этишга қаратилган тадбирлар ташкил этилади.

Тарғибот ишлари ҳарбий қисм қўмондонлигининг ижодий уюшмалар, маданият муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг тизимли ва мақсадли фаолиятини ифодалайдиган, уларга маънавий тушунча ва тамойилларни чуқур сингдирадиган, онги ва қалбларида

ватанпарварлик, садоқат, фахр ва гурур туйғуларини ҳамда мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини оширадиган, юклатилган ўқув-жанговар вазифаларни сифатли ва ўз вақтида тўлақонли бажаришга йўналтирадиган амалий тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Тарғибот ишлари оғзаки шаклда (тезкор ахборот, суҳбатлар, маърузалар, муайян мавзуга бағишланган музокара ва семинарлар, мавзули кечалар, мунозара ва баҳслар), нашрли (газета, журнал, деворий газета, қўлланма, жанговар варақа, китоб ва бошқа адабиётлар мутолааси), кўргазмали воситалар (плакат, фотомонтаж, панно, расмлар, китоб кўргазмалари, шунингдек, радио эшиттириш ва радиомулоқотлар, теле-видео дастурларни жамоа бўлиб томоша ва муҳокама қилиш ҳамда бошқалар) орқали олиб борилади.

19. Қуролли Кучларга муносиб номзодларни тайёрлаб берувчи Темурбеклар мактабидан бошлаб олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий қисмларгача қамраб олган маънавий-маърифий ишлар тизими орқали юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи, комил ҳарбий хизматчилар етишиб чиқади.

20. Маънавий-маърифий ишлар йўналишларида ташкил этиладиган барча тадбирлар ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни юксак маънавиятли, ватанпарвар, ҳалол, ўз касбига садоқатли ва фидойи юрт посбонлари бўлиб шаклланишига ҳамда улар ёрдамида мамлакатимизнинг ўсиб келаётган ҳақиқий ватанпарвар ёшларини тарбиялашга имкон яратиб беради.

5-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижа

21. Концепцияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ҳарбий хизматчи камол топади.

22. Маънан етук, ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллаган, ҳар қандай шароитда Ватан мудофаасига шай, матонат ва жасоратда, ҳаётда ва ҳарбий хизматда намуна бўлган ҳарбий хизматчилар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Концепцияда белгиланган натижаларга эришилади.

23. Мазкур Концепция Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини тизимли ва босқичли равишда юксалтириб бориш, улар қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик, масъулият, садоқат ва ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлаш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

24. Концепциянинг амалга оширилиши ҳар жиҳатдан содиқ, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур ҳарбий хизматчини тарбиялаш билан бирга халқимиз ўртасида ҳарбий хизматчиларга нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда ҳарбий касбга бўлган ҳавас ва қизиқишларни ошириш ҳамда бу орқали Қуролли Кучларни мустаҳкам иродали, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**658 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиал-
ларини ташкил этиш тўғрисида***

Жойларда бошқарув кадрлари малакасини оширишнинг сифатини яхшилаш, тингловчиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Гулистон, Қарши, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Академиянинг ҳудудий филиалларини (кейинги ўринларда ҳудудий филиаллар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ҳудудий филиалларда директор, бош мутахассис, бош методист ва техник ходим лавозимлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунаар таълими маркази тизимидаги таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қисқартирилиши ҳисобига ажратилсин.

2. Қуйидагилар ҳудудий филиалларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

замонавий шароитларда бошқарув кадрларининг касбий билим ва савиясига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда, жойларда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш;

малака ошириш курслари тингловчиларида маҳаллий бошқарув ва ҳудудий ривожланиш соҳасидаги чуқур ва амалиётга йўналтирилган, шунингдек, стратегик режалаштириш, горизонтал ва вертикал муносабатлар тизимида оид билимларни, давлат ва ҳудудий дастурларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ижро этиш кўникмаларини шакллантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда доимий асосда ўқув-амалий семинарларни ташкил этиш;

ўқув-амалий семинарлар доирасида тингловчиларда фаолиятни режалаштириш ва иш режалари («йўл хариталари»)ни сифатли бажариш кўникмаларини шакллантириш;

малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарлар жараёнида аниқланган муаммолар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 августда эълон қилинган.

3. Худудий филиалларга Академия ректори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, шунингдек, мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари бўйича Академиянинг факультет деканига тенглаштириладиган директор раҳбарлик қилиши белгилансин.

4. Худудий филиалларда ўқишни ташкил этиш 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

махаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари таркибидан шакллантириладиган буюртмалар асосида худудий филиалларда малака ошириш режалари Академия томонидан тасдиқланади;

худудий филиалларда ўқув жараёни замонавий таълим технологияларини татбиқ этган ҳолда бошқарув кадрлари кўникмаларини шакллантириш, интерфаол машғулотлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, худудларда юзага келган муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал этиш асосида ташкил этилади;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан худудий филиаллардаги ўқув жараёнига юбориладиган шахслар худудий филиалларнинг тегишли дастурлари асосида Академияда ўқитилади;

худудий филиалларда ўқув режадаги фанларни ўқитиш учун профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислар штат ва соатбай асосда жалб этилади;

худудий филиаллардаги малака ошириш курсларида иш жойидан ажралган ҳолда таълим олаётган тингловчилар учун ўқиш даврида асосий иш жойидаги лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

6. Худудий филиаллар олий таълим муассасаларининг биноларида «ноль» ставкадаги ижара тўлови асосида ҳамда тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қопламаган ҳолда 2-иловага* мувофиқ жадвал бўйича жойлаштирилсин.

7. Академия ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

малака ошириш даврида бошқа худудлардан келган тингловчилар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларга тегишли олий таълим муассасаларининг ётоқхоналаридан ва Академия меҳмонхона комплексидан яшаш учун белгиланган тартибда жой ажратилишини;

тингловчилар тегишли олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказидан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаб борсин.

8. Белгилансинки, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, малака ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақининг миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга кўпайтирилади.

Академия ректорига малака ошириш курсларига жалб этиладиган юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга:

* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларнинг кўпи билан 20 фоизига ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилаш;

шартнома асосида жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақининг миқдорини белгиланган миқдордан икки ярим бараваргача юқори этиб белгилаш ҳуқуқи берилсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳудудий филиалларда бошқарув кадрлари, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида давомийлиги бир ойдан ошмаган қисқа муддатли дастурлар бўйича малака оширадилар;

ҳудудий филиаллардаги малака ошириш курсларига фақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари ҳамда бошқа давлат ташкилотларининг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари давлат гранти асосида қабул қилинади;

ҳудудий филиаллар фаолиятини услубий таъминлаш ҳамда малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш Академия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ҳудудий филиаллардаги малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтган бошқарув кадрларига белгиланган намунадаги сертификатлар берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Академиянинг талабномаси бўйича 2018 йилнинг 15 августига қадар ҳудудий филиалларда малака ошириш курсларини ташкил этиш ва жойлаштириш учун олий таълим муассасаларидаги керакли хоналарни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширган ҳолда ажратилишини таъминласин;

ҳудудий филиаллар фаолиятини амалга ошириш учун доимий равишда зарур ташкилий-методик ёрдам кўрсатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бир ойлик муддатда:

ҳудудий филиалларнинг замонавий ахборот-телекоммуникация воситалари билан жиҳозланиши ва доимий равишда бутунжаҳон ахборот Интернет тармоғига уланишини;

ҳудудий филиалларнинг республика ҳудудларидаги иштирокчилар ҳамда Академия билан ўзаро видеоконференциялар ва масофавий тренинглар ўтказиш учун «Электрон таълим» миллий тармоғига уланишини;

Академия ва ҳудудий филиалларнинг Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ҳамда етакчи хорижий лицензион ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий равишда электрон уланишини таъминласин.

12. Академия:

а) 2018 йилнинг 1 сентябрига қадар:

ҳудудий филиалларнинг юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини;

масофавий таълимни татбиқ қилган ҳолда ўқитишнинг замонавий шакллари ва усуллари, шунингдек, ўқув адабиётлари, замонавий ўқув жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

б) икки ҳафта муддатда ҳудудий филиаллар тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда уларнинг тузилмасини тасдиқласин.

13. Қуйидагилар ҳудудий филиаллар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ҳудудий филиаллар фаолиятини ташкил этиш ва уларни сақлаш, шунингдек, мебель, ўқув ҳамда масофавий таълим учун зарур жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш юзасидан Академиянинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича зарур бюджет маблағларини ажратсин;

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ҳудудий филиалларни сақлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда Академияга зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий филиалларга малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарларни самарали ташкил этиш бўйича ҳар томонлама ёрдам берилишини таъминласин.

16. Академия манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари У.С. Исмаилов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 август,
ПҚ-3901-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**659** Мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг «Шоҳимардон» ва «Ёрдон» қишлоқларида мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топтириш, уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ҳамда таълимнинг ушбу босқичига мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш ва мактабгача таълимнинг аҳоли учун ҳаммабплигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 август,
ПҚ-3904-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 8 августдаги
ПҚ-3904-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 августда эълон қилинган.

ПҚ–3571-сон қарорининг 2-бандидаги «Ховос ва Сардоба туманларида» сўзлари «Ховос ва Сардоба туманлари. Фаргона вилоятининг Сўх тумани ҳамда Фаргона туманининг «Шохимардон» ва «Ёрдон» қишлоқларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон қарорига 32-илованинг рус тилидаги матни изоҳи «Сырдарьинской области» сўзларидан кейин «в Сохском районе, в селах «Шохимардон» и «Ёрдон» Ферганского района Ферганской области» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

660 Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чоракда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

республикадаги барча умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, хўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 август,
ПҚ-3906-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

661 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси намуналарини, шунингдек, уларни тайёрлаш, ишлатиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг байроғи ва фарқлаш белгисини тайёрлаш, ишлатиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 август,
630-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 августдаги 630-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати
органларининг байроғи
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг байроғи (кейинги ўринларда байроқ деб аталади) тараққиёт ва барқарорликни ифода этувчи тўқ кўк рангли тўғри бурчакли мато кўринишига эга.

Байроқнинг узунлиги — 250 см, эни — 125 см.

Байроқ марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларининг фарқлаш белгиси (кейинги ўринларда фарқлаш белгиси деб аталади) тасвирланган.

Масофаси:

байроқнинг тепа ва пастки чеккасидан фарқлаш белгисигача — 10,25 см;

байроқнинг чап ва ўнг чеккасидан фарқлаш белгисигача — 72,75 см;

Ўлчами:

фарқлаш белгисининг баландлиги ва эни — 104,5 см;

фарқлаш белгиси оқ ҳалқанинг эни — 1,2 см ;

фарқлаш белгиси яшил рангли доирасимон чизигининг эни — 7,43 см;

фарқлаш белгисининг «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «DAVLAT BOJXONA XIZMATI» ёзувларининг ҳажми — 3 см ;

глобус диаметри — 56,5 см ;

фарқлаш белгиси картасининг баландлиги — 32,55 см, эни — 49,64 см;

фарқлаш белгисининг Меркурий таёғи қанотлари эни — 39,39 см ва таёқнинг узунлиги — 44,6 см;

фарқлаш белгисининг саккиз қиррали иккита юлдузи диаметри — 5,46 см;

Байроқ бошқа ўлчамларда бўлиши мумкин, аммо ҳамма ҳолларда байроқнинг эни унинг узунлигига нисбати 1:2 ни ташкил этиши шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 августдаги 630-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати
органларининг фарқлаш белгиси
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фарқлаш белгиси (кейинги ўринларда фарқлаш белгиси деб аталади) мустаҳкамлик ва доимийликни ифода этувчи кумуш рангли саккиз қиррали шаклга эга бўлиб, унинг ички қисмида саккиз қирраликдан оқ рангли халқа билан ажратилган яшил рангдаги доирасимон чизик билан ўралган кумуш рангли глобус тасвирланган.

Доирасимон чизикнинг юқори қисмида оқ рангли бош ҳарфлар билан лотин алифбосида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI», пастки қисмида «DAVLAT BOJXONA XIZMATI» сўзлари ёзилган. Ёзувлар саккиз қиррали олтинсимон рангли иккита юлдуз билан ажратилган.

Глобуснинг марказида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини биргаликда ҳимоя қилишни ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни, шунингдек, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан савдо муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш маъносини англатувчи бронза рангидаги Ўзбекистон Республикаси харитаси тасвирланган, унинг марказида

ўткир тиғи билан пастга қараган вертикал ҳолатдаги тилла рангли икки томонидан илонлар билан ўралган қанотли таёқ (Меркурий таёғи) тасвирланган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 августдаги 630-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати
органларининг байроғи ва фарқлаш белгисини тайёрлаш,
ишлатиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг (кейинги ўринларда божхона органлари деб аталади) байроғи ва фарқлаш белгисини тайёрлаш, ишлатиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

2. Божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси божхона органларининг расмий рамзлари ҳисобланади.

3. Божхона органларининг байроғи ўлчамидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган намунага аниқ мувофиқ бўлиши керак.

4. Божхона органлари фарқлаш белгиларининг металл, гипс ва бошқа материаллардан тайёрланган гравюра, зарб қилиш шаклидаги тасвири ҳамда божхона органлари фарқлаш белгисининг тайёрланган ҳажмининг шакллари уларнинг ўлчамидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган намунага аниқ мувофиқ бўлиши керак.

**2-боб. Божхона органларининг байроғи ва фарқлаш
белгисини тайёрлаш ва ишлатиш**

5. Божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгисини тайёрлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Божхона органларининг байроғи доимий равишда:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази;

чегара божхона постларининг маъмурий биноларида;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мажлислар залларида;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Раиси;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази директори;

божхона постлари бошлиқларининг хизмат хоналарида;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси музейи ва божхона органларининг маънавият ва маърифат хоналарида;

д) божхона органларининг ихтиёридаги дарё кемаларида кўтарилади.

7. Божхона органларининг байроғи Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроқлари билан бир вақтда кўтарилганда ўнг томондан кўтарилиши керак (бинонинг фасад қисмига қараб турганда).

Божхона органларининг байроғи Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроқлари билан бир текис жойлаштирилган бўлиши керак.

8. Божхона органларининг байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган божхона органлари байроғининг матоси ер сатҳидан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

9. Божхона органларининг фарқлаш белгиси тасвири:

а) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази;

чегара божхона постларининг маъмурий биноларида;

б) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказининг мажлислар залида;

в) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошқармалари бошлиқларининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти бошлиғининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази директорининг;

божхона постлари бошлиқларининг хизмат хоналарида;

г) ҳажмли белги шаклида божхона органлари мансабдор шахсларининг формали ва махсус кийим-бошида;

д) божхона органлари тасарруфидаги автотранспорт воситалари ва дарё, ҳаво кемаларида (бошлиқлар таркиби ва оператив бўлинмалар автотранспорт воситаларидан ташқари);

е) божхона органларининг расмий веб-сайтлари ва нашрларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буюртмалари бўйича чоп этиладиган босма махсулотларда ҳамда унинг буюртмасига асосан чиқариладиган кино-, видео- ва фотоматериалларда;

ж) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буюртмалари бўйича тайёрладиган реклама-ахборот ва эсдалик махсулотларида, шу жумладан, вимпелларда жойлаштирилади.

10. Божхона органлари байроғи ва фарқлаш белгисининг тасвиридан:

ўқув-тарбия жараёнида;

божхона органлари тизимида мукофотлар элементлари сифатида фойдаланиш;

божхона органларига тегишли эканлигини белгилаш мақсадида буюмларда жойлаштириш мумкин.

11. Ўзбекистон Республикасида божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгисининг тасвиридан пештахта, бланка, ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатларда, эълонлар ва рекламаларда, товарлар ва уларнинг ўрамида, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолиятини

амалга оширишда божхона органларининг номларига ўхшаш бўлган белгилардан фойдаланиш тақиқланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг белгиси ва атрибутикасида божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси билан ўхшаш элементлар бўлишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Божхона органлари байроғи ва фарқлаш белгисини сақлаш

12. Божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгисини сақлаш божхона органларининг байроғи ва фарқлаш белгиси ҳисобини юритиш, бериш, ишлатиш, сақлаш учун масъул бўлган, божхона органлари раҳбарияти томонидан тайинланадиган божхона органлари мансабдор шахслари (кейинги ўринларда мансабдор шахслар деб аталади) томонидан таъминланади.

13. Божхона органларининг байроқлари ва фарқлаш белгилари кейинчалик фойдаланиш учун яроқсизлиги аниқланганда, мансабдор шахс уларни алмаштириш бўйича зарур чоралар кўради.

14. Бинонинг олд томонида божхона органлари байроғини алмаштириш эскиришига қараб, бироқ бир йилда кўпи билан тўрт марта амалга оширилади. Бино ичида ва мажлислар залларидаги байроқ уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган муддатда алмаштирилади. Агар белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин божхона органларининг байроғи қоникарли ҳолатда бўлса, у алмаштирилмайди.

15. Божхона органларининг фарқлаш белгиси кўпи билан беш йилда бир марта алмаштирилади. Агар 5 йил ўтгач белги қоникарли ҳолатда бўлса, у алмаштирилмайди.

4-боб. Божхона органлари байроғи ва фарқлаш белгисини йўқ қилиш

16. Дастлабки кўринишини йўқотган ёки фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган божхона органларининг байроқлари ва фарқлаш белгилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

17. Дастлабки кўринишини йўқотган ёки фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган божхона органларининг байроқлари ва фарқлаш белгиларини йўқ қилиш қайта фойдаланишни истисно этиш мақсадида ёқиш, эритиш ва майдалаш йўллари орқали амалга оширилиши шарт.

Фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган божхона органларининг байроқлари ва фарқлаш белгиларини йўқ қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилади.

Байроқлар ва фарқлаш белгиларини йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси архивида сақланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Божхона органлари ходимлари божхона органлари байроғи ва фарқлаш белгисини ҳурмат қилишлари шарт.

19. Божхона органлари байроғи ва фарқлаш белгиси бутун ҳамда ранги бузилмаган ҳолда кўтарилади ва жойлаштирилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****662 Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш
тўғрисида***

Туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, минтакаларнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, дам олиш ва туризм учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

оилавий меҳмон уйлари ушбу меҳмон уйларида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчига 3 м² ҳисобидан тўғри келадиган зарурий турар-жой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади;

оилавий меҳмон уйлари хизматлари оилавий меҳмон уйи ташкил этиш учун яроқли турар-жой биносига эга бўлган ва унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади;

оилавий меҳмон уйлари хизматларини сертификатлаштириш соддалаштирилган ҳолда, оилавий меҳмон уйларини ўрганиш далолатномаси асосида уларни Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрига киритиш ва Оилавий меҳмон уйлари ягона реестридан тегишли кўчирма бериш йўли билан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси оилавий меҳмон уйларини рўйхатга олиш ва Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрини юритишни амалга оширади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказлари орқали оилавий меҳмон уйлари сертификатлаштиришни ташкил қилиш бўйича уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тижорат банкларига Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрига киритилган хусусий тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларининг буюртмаларига биноан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаригача миқдорда, беш йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия қилинсин.

Бунда тижорат банклари томонидан ажратилаётган фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоизлар миқдорининг ярми Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда оилавий меҳмон уйлари хизмати кўрсатувчи хусусий тадбиркорлар учун уларнинг жойлашиш минтақаси ва тоифасига қараб, белгиланган солиқнинг алоҳида ставкасини белгилаш тўғрисида уч ой муддатда таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, белгиланган тартибда, оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда ушбу қарорнинг мақсадлари ва вазифаларини кенг тушунтириш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Н. Умаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 август,
631-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 августдаги 631-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини
ташқил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом оилавий меҳмон уйлари (кейинги ўринларда меҳмон уйлари деб аталади) фаолиятини ташқил этиш ва улар томонидан хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

оилавий меҳмон уйи (кейинги ўринларда меҳмон уйи деб аталади) — мазкур меҳмон уйида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 3 м² ҳисобидан тўғри келадиган турар-жой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади;

Оилавий меҳмон уйлари ягона реестри (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) — юритилиши Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга ошириладиган меҳмон уйлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базаси;

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари;

аризачи — меҳмон уйини ташқил этиш учун яроқли турар-жой биносига эга бўлган ва унда яшаётган, уни Реестрга киритиш учун белгиланган тартибда ариза топширган хусусий ёки оилавий тадбиркорлик субъекти;

меҳмон уйининг эгаси — Реестрга киритилган хусусий ёки оилавий тадбиркорлик субъекти.

3. Меҳмон уйлари эгалари, фақат улар Реестрга киритилгандан сўнг хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Меҳмон уйлари хизматлари кўрсатиш мазкур турар-жойда унинг эгаси ўз оила аъзолари ҳамда ташриф буюрувчилар (туристлар) билан бирга яшаш тамойили бўйича ташқил этилади.

5. Меҳмон уйлари фаолиятини ташқил этиш тартиби мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Меҳмон уйлари томонидан кўрсатиладиган
хизматларга доир талаблар**

6. Меҳмон уйлари кўрсатадиган хизматларига доир талаблар қуйидаги мақсадларда белгиланади:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

меҳмон уйининг вақтинчалик яшаш бўйича хизмат (кейинги ўринларда хизматлар деб аталади) кўрсатиш соҳасига мувофиқлигини тасдиқлаш;

меҳмон уйларида унинг эгаси томонидан қайд этилган кўрсатиладиган хизматлар ва зарур моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқлаш;

хизмат кўрсатишнинг зарур даражадаги сифатини ва ташриф буюрувчиларнинг (туристларнинг) хавфсизлигини таъминлаш.

7. Меҳмон уйлари ташкил этишда мазкур Низомнинг 2-иловасига* биноан рўйхат бўйича мажбурий шарт-шароитларга мувофиқ бўлиши шарт.

Меҳмон уйи томонидан хизматлар кўрсатиш вақтида уни жиҳозлаш ва унда истеъмол буюмларининг бўлиши, шунингдек, мазкур Низомнинг 2а ва 2б-иловаларига* биноан рўйхат бўйича қўшимча хизмат турларини кўрса-тиши тавсия этилади.

3-боб. Меҳмон уйлари хизматларини сертификатлаштириш тартиби

8. Меҳмон уйлари хизматларини сертификатлаштириш соддалаштирилган ҳолда, меҳмон уйларини ўрганиш далолатномаси асосида уларни Реестрга киритиш ва Реестрдан тегишли кўчирма бериш йўли билан амалга оширилади;

9. Реестрни юритиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

10. Реестрни юритиш қўйидагиларни назарда тутати:

меҳмон уйига индивидуал реестр рақамини берган ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ меҳмон уйлари тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритиш;

маълумотлар базасини бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғида онлайн режимида янгилаб туриш.

11. Реестр электрон шаклда юритилади ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозим.

12. Аризачи уни Реестрга киритиш учун ваколатли давлат органига мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шакл бўйича ариза беради.

13. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

хусусий тадбиркор ёки оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

14. Аризачидан мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

15. Ҳаққоний бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этгани учун аризачи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

16. Аризачи томонидан ариза мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ваколатли давлат органига бевосита, поч-

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

та алоқаси воситалари ёки электрон шаклда, уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан тақдим этилади.

17. Ваколатли давлат органи ҳужжатларни олган кунидан бошлаб уларни уч иш куни давомида кўриб чиқади, меҳмон уйини мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқлиги бўйича ўрганиб чиқади.

18. Ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли давлат органи мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради.

19. Меҳмон уйи мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли давлат органи далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб бир иш куни ичида аризачига меҳмон уйини Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисида аниқ номувофиқликлар ва унинг давомида аризачи рад этиш сабабларини бартараф қилиш ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган муддат (уч ойгача) кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда билдириш хати юборади.

20. Аризачи томонидан меҳмон уйини Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, икки иш куни давомида кўриб чиқиш натижалари бўйича қўшимча далолатнома расмийлаштирилган ҳолда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқишда ваколатли давлат органи томонидан муқаддам аризачига ёзма билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

21. Аризачи томонидан меҳмон уйини Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма билдириш хатида кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан кейин топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли давлат органи томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

22. Меҳмон уйи мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқ бўлган тақдирда, ваколатли давлат органи бир иш куни мобайнида меҳмон уйига индивидуал реестр рақами берган ҳолда, меҳмон уйини Реестрга киритади ва аризачига мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги Оилавий меҳмон уйлари ягона реестридан кўчирма беради.

Аризачининг хоҳишига кўра кўчирма QR-код санокли тизимидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда жўнатилиши мумкин.

23. Реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва кўчирма бериш учун тўлов ундирилмайди.

24. Реестрга аввал киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, меҳмон уйлари эгалари бундай ўзгариш юзага келган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ваколатли давлат органига маълум қилишлари шарт.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар меҳмон уйлари эгалари томонидан ваколатли давлат органига бевосита, почта алоқаси воситалари

* 5-6-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёки электрон шаклда уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

25. Реестрдан кўчирмани қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли давлат органи томонидан меҳмон уйи эгасининг ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни олган кунидан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

26. Меҳмон уйини Реестрдан чиқариш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

меҳмон уйи эгаси томонидан Реестрдан ихтиёрий равишда чиқариш тўғрисида ариза берилса;

хусусий тадбиркорлик фаолияти тугатилса ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тугатилса;

ваколатли давлат органи томонидан ўрганиш ва меҳмон уйларида яшаётган шахсларни анкеталаштириш давомида мазкур Низом талабларининг сурункали равишда бузилиши аниқланса.

Ўрганиш вақтида аниқланган бузилишлар меҳмон уйи эгаси томонидан бартараф этилгандан сўнг у Реестрга киритиш тўғрисида такроран ариза топшириши мумкин.

27. Кўчирма йўқолган ёки шикастланган тақдирда, меҳмон уйи эгасининг ёзма мурожаатига кўра унинг дубликати берилди.

28. Ваколатли давлат органи аризани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида кўчирма дубликатини, шунингдек, у шикастланган тақдирда эса — кўчирманинг аслини бериши (юбориши) шарт.

29. Кўчирмани қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

30. Ваколатли давлат органи Реестрдан берилган ва қайта расмийлаштирилган кўчирмалар, шунингдек, Реестрдан чиқарилган меҳмон уйлари тўғрисидаги маълумотларнинг долзарб ҳолатда электрон кўринишда сақлалиниши ва ўзининг бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги веб-сайтида онлайн режимда эълон қилилишини таъминлайди.

4-боб. Меҳмон уйлари томонидан белгиланган талабларга риоя этилиши мониторинги

31. Ваколатли давлат органи меҳмон уйлари фаолияти ва улар томонидан мазкур Низомда кўзда тутилган талаблар бажарилишининг мониторингини:

меҳмон уйлари томонидан мазкур Низом талаблари (шу жумладан, мазкур Низомнинг 2-иловасида кўзда тутилган мажбурий шартлар) бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

меҳмон уйлари эгалари ва ходимларининг кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган инсофсиз ахлоқи ва ноҳақ ҳаракатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

Реестрга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида амалга оширади.

32. Мониторинг:

меҳмон уйлари ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш;

меҳмон уйи ташриф буюрувчиларини (туристларни) ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган шаклда анкеталаштириш йўли билан амалга оширилади.

5-боб. Меҳмон уйи эгасининг ва ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

33. Меҳмон уйлари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

турар жой биносини ўз ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикасининг турар-жойлар тўғрисидаги қонунчилиги ва мазкур Низомда белгиланган меъёрлар доирасида тасарруф этиш;

ижарада турувчиларни (туристларни) меҳмон уйига уларни бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи ва ахборот-туристик марказлари орқали, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса, билдириш тартибида ҳудудий ички ишлар органларига мурожаат қилиш йўли билан рўйхатга қўйиш орқали ижара шартномасини расмийлаштирмасдан жойлаштириш;

ташриф буюрувчилар (туристлар) томонидан жамоат тартиби меъёрлари бузилган ҳолларда жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи билан ўзаро боғланиб ҳаракат қилиш;

туризм фаолияти субъектларига берилган имтиёزلардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш.

Меҳмон уйларининг эгалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Мавсумий бўлмаган даврда меҳмон уйларининг эгалари рўйхатга олиш ва солиқ органларига меҳмон уйи фаолиятини вақтинча тўхтатиш ва улар ўз фаолиятини вақтинча амалга оширмайдиган қайд этилган даврга солиқ ҳисобланишини вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисида ариза бериш йўли билан вақтинча ўз фаолиятларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

34. Ваколатли давлат органи меҳмон уйлари фаолияти мониторингини амалга ошириш, улар томонидан мазкур Низом талабларининг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши мақсадида:

меҳмон уйлари фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

мазкур Низомда кўзда тутилган талаблар бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда меҳмон уйи манзилига аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш учун аниқ муддатлар кўрсатилган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган оғоҳлантириш юбориш ҳуқуқига эга.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

35. Меҳмон уйларининг эгалари:

фаолиятини қатъий равишда мазкур Низом ва туризм тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши;

санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари, шунингдек, эпидемияга қарши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

Меҳмон уйлари реестрига киритилган маълумотлар ўзгарганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини тугатганлиги тўғрисида уч иш куни мобайнида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилишлари шарт.

Меҳмон уйларининг эгалари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

36. Ваколатли давлат органи қуйидагиларга мажбур:

вақтинчалик яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби билан таништириш учун, шунингдек, режали асосда меҳмон уйлари ходимларининг билими ва малакасини ошириш имконини берувчи профилактика ва тушунтириш ишлари, мастер-класслар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириш;

меҳмон уйларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш ва таъминлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

манфаатдор давлат органлари билан ҳамкорликда меҳмон уйларининг эгаларини фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатлар тартиби билан таништириш;

меҳмон уйларининг эгаларини туризм соҳасидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида хабардор қилиб бориш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини меҳмон уйлари билан ўзаро муносабатлар соҳасига фаол равишда жорий қилиб бориш.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Меҳмон уйлари фаолиятини назорат қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Мазкур Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 августдаги 631-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 3-бандидаги «миллий меҳмонхона уйлари» сўзлари «оилавий меҳмон уйлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида:

III бўлимга қуйидаги мазмундаги 35²-банд қўшилсин:

«

35 ² .	Оилавий меҳмон уйлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш
-------------------	---

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сонли қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 65-модда) 1-иловининг «Фаолият турининг номи» устуни 3-бандидаги «35¹» рақами «35²» рақами билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 мартдаги 137-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 11-сон, 165-модда):

а) 1-иловининг 3-банди иккинчи хатбошидаги «миллий меҳмон уйлари» сўзлари «оилавий меҳмон уйлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «миллий меҳмонхона уйлари» сўзлари «оилавий меҳмон уйлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловадаги «Қишлоқ жойларда маҳаллий аҳоли уйларида ташкил қилинган меҳмон уйлари (ўринлар сони 10 тагача бўлиб, меҳмонхона уйлари қўйиладиган талабларга мувофиқ ташкил этилган)» сўзлари «Оилавий меҳмон уйлари (ўринлар сони 10 тагача бўлиб, уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ташкил этилган)» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги 355-сон қарори билан тасдиқланган Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 94-модда):

а) қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан қўшилсин:

«4¹. Оилавий меҳмон уйлари хизматларини сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади»;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «меҳмонларга аталган миллий уйлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

663 Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ягона электрон ахборот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ягона электрон ахборот маркази фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигида фойданиладиган ер майдонлари, экинларни жойлаштириш, контрактация шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ажратил-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 августда эълон қилинган.

ган кредитлар, фермер хўжаликларига етказиб берилган ресурслар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қабул қилиб олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ва улар учун амалга оширилган тўловларнинг мониторингини юритиш;

Жамғарма томонидан ажратилган кредитлар, минерал ўғитлар ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришнинг фермер хўжаликлари кесимида кафолатланган ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритиш;

туман ҳокимининг экин ерларини узоқ муддатли ижарага бериш ва экинларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори, ер ижара шартномаси, контрактация, таъминот ва хизмат кўрсатиш шартномалари реестрини юритиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига интерактив давлат хизматларидан, жумладан, интернет тармоғидаги шахсий кабинет орқали фойдаланишда кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнига электрон тижорат амалиётини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида ушбу имкониятлардан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш юритиш ҳужжатлари Ягона электрон ахборот маркази тизими орқали электрон ҳужжат шаклида тайёрланиши ва электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланишига тўлиқ ўтилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 октябрига қадар фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ягона электрон базасини (СТИР рақамлари ва контур кесимида) шакллантирсин ва унинг тизимли янгиланиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмаҳсулот» АК, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, АТБ «Агробанк», Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Марказга қуйидаги маълумотларнинг мунтазам етказиб берилиши таъминлансин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилиши ва хизматлар кўрсатилиши ҳамда улар бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари, турлари ва қиймати бўйича тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига Жамғармадан ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзбек-озиқовқатхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон савдо майдончасини қишлоқ хўжалиги корхоналари учун Ягона электрон ахборот маркази доирасида бепул ташкил этсин ҳамда ушбу маълумотларни «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг кўргазма-ярмарка савдоларида реализация қилиниши, ахборот тизимларида автоматлаштирилган тартибда жойлаштириб борилишини таъминлансин.

8. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсупов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 август,
645-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

665 Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш кириштиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон қарори (рўйхат рақами 3012, 2018 йил 14 май) билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Мактабгача таълим муассасасига олиб келишда тарбияланувчини ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс, ота-онанинг вояга етган фарзандлари, бобоси, бувиси ёки ота-она томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ота-онанинг вакили) уни шахсан гуруҳ тарбиячисига топшириши лозим.

Мактабгача таълим муассасасидан олиб кетишда гуруҳ тарбиячиси тарбияланувчини унинг ота-онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахс, ота-онанинг вояга етган фарзандлари, бобоси, бувиси ёки ота-она томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ота-онанинг вакилига) топшириши лозим.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мақтабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
2-мҳ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
37-сон

Келишилди:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 11 июль

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2018 йил 11 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

666 Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3048

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 183-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
40-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
40-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

**Автомобиль йўллари
давлат кўмитаси раиси****А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
253-сон

**Ўзбекистон автомобиль транспорти
агентлиги бошлиғи****Д. ДЕҲҚОНОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
1/210-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори****А. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
к-14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат
кўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти
агентлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг 2018 йил 17 июлдаги
40, 40, 253, 1/210, к-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг
тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 183-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар худудларидаги автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларида, автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан узоқ ва ноқулай жойда жойлашган инфратузилма объектлари атрофидаги автомобиль йўллари ва кўчаларнинг четида ташкил этиладиган тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларининг кириш ва чиқиш қулай бўлган қисмида ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари тўхтаб туриш жойи умумий майдонининг камида 5 фоизи (камида 2 та жой) ташкил этиши лозим.

2. Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ «5.15. Тўхтаб туриш жойи» ва «7.17. Ногиронлар» йўл белгилари ўрнатилади.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан «Ногирон ҳайдовчи бошқараётган автомобиль» таниқлик белгиси ўрнатилган автотранспорт воситасини бошқараётган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар — ногиронликни тасдиқловчи тиббий маълумотномаси ҳамда 16 ёшгача ногирон боласи бўлган ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) — 16 ёшгача ногирон бола учун тайинланган тегишли пенсия гувоҳномаси бўлганда фойдаланиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

2-боб. Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги ҳамда автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан узоқ ва ноқулай жойда жойлашган инфратузилма объектлари атрофидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар

4. Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ намунавий чизма асосида жиҳозланади.

5. Қўп қаватли автотранспорт воситалари тўхташ жойларида ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун жойлар биринчи қаватда ва бошқа қаватларда лифтга яқин жойлардан ажратилиши керак.

6. Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларига кўк фонда 2 х 2 метр ўлчамли сариқ чизиқли ногиронлиги бўлган шахс автотранспорт воситасининг тўхтаб туриш жойини билдирувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқ-

ланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 2-иловасига мувофиқ 1.24 «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойи» ётиқ чизиги чизилади.

7. Ногиронлиги бўлган шахс автотранспорт воситаси учун ажратиладиган жойларга чизиладиган ётиқ чизик ва ўрнатиладиган йўл белгиларининг ўлчамлари йўл ҳаракатини бошқаришнинг техник воситаларини қўллашни белгиловчи норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

8. Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларининг ўлчамлари автомобиль ҳаракат йўналишига бурчак остида қўйилганда эни 3,5 метр, узунлиги 5 метр, ҳаракат йўналишига параллел қўйилганда эни 2,5 метр, узунлиги 7,5 метр бўлиши лозим.

9. Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун ажратилган жойларга чизилган ётиқ чизиқлар ҳайдовчига яхши кўринадиган бўлиши зарур.

10. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун мўлжалланган жойларни жиҳозлаш ишлари ҳамда йўлнинг ётиқ чизиқларини соз ҳолатда ва яхши кўринишга эга бўлиши таъминланиши мазкур автотураргоҳга ёки автомобиль йўлига эгалик қилувчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

11. Автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан узоқ ва ноқулай жойда жойлашган инфратузилма объектлари (соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, ижтимоий объект ва бошқалар) атрофида ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ намунавий чизма асосида жиҳозланади.

12. Автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан узоқ ва ноқулай жойда жойлашган инфратузилма объектлари атрофидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ ўлчамларда бўлиши лозим.

3-боб. Якуний қоидалар

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо саноат
палатаси раиси*


А. ИКРАМОВ

2018 йил 10 июль

Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

666-модда

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автомобиллари учун тўхташ жойларининг жиҳозланиши бўйича намунавий ЧИЗМА



— 68 —

32 (844)-сон


Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

32 (844)-сон

— 69 —

666-модда

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автомобиллари учун қисқа муддатли тўхташ жойларининг жиҳозланиши бўйича намунавий ЧИЗМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

667 «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарға кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 13 майдаги 332-В, 40, 69 ва 01/22-26/75-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2589, 2014 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 22-сон, 263-модда) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль,
332-В-3-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль,
113-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль,
25-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль,
01/16-1-10/30-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган
корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
2018 йил 26 июлдаги 332-В-3, 113, 25,
01/16-1-10/30-сон қарорига
ИЛОВА

**«Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни
сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимасидан «, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф–4010-сон «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» фармойишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) 5-банднинг биринчи хатбошисидан «тегишли лицензияга эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин

б) 65-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф–4010-сон фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни танлов савдоларида тижорат банкларига сотиш тартибининг 57-бандига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**668** Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлим-
лари ходимларини мартаба даражалари бўйича ат-
тестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 498-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Хукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Давлат хизматлари агентлиги директори Х. Турахужаев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 август,
407-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 7 августдаги
407-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари
ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 498-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси туман ва шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари, шунингдек никоҳ уйлари (бундан буён матнда ФХДЁ бўлими деб юритилади) ходимлари мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш ФХДЁ бўлими ходимининг навбатдаги аттестациядан ўтиши деб ҳисобланмайди ҳамда аттестациядан ўтиш муддатининг узайтирилишига асос бўлмайди.

2. ФХДЁ бўлими ходимлари мартаба даражалари бўйича аттестация қонунийлик, одиллик, холислик, беғаразлик ва коллегиялик принциплари асосида амалга оширилади.

**2-боб. ФХДЁ бўлимлари ходимларини аттестациядан
ўтказиш**

3. ФХДЁ бўлимлари ходимларининг мартаба даражаларига тавсия этилган номзодлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) директори буйруғига асосан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ намунавий таркибда тузиладиган ФХДЁ бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси (бундан буён матнда аттестация комиссияси деб юритилади) томонидан аттестациядан ўтказилади.

4. Мартаба даражаларига тавсия этилган ФХДЁ бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ишлари тегишлича Агентликнинг Кадрлар бўлими ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг бош юрисконсултлари билан биргаликда ташкил этилади.

5. Мартаба даражаларига тавсия этиш ҳақидаги ҳужжатлар тегишлича туман (шаҳар) ҳокимликларининг бош юрисконсултлари томонидан кўриб чиқилади ҳамда туман (шаҳар) ҳокими томонидан тегишли таклифлар билан аттестация ўтказиш масаласини кўриб чиқиш учун аттестация комиссиясига тақдим этилади.

6. Туман (шаҳар) ҳокими тақдим этилган таклифда келтирилган маълумотларнинг ишончилиги учун шахсан жавоб беради.

7. Мартаба даражаларига тавсия этилган ФХДЁ бўлими ходимларининг аттестацияси тегишли ҳужжатлар аттестация комиссиясига тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида ўтказилади.

Аттестация комиссияси йиғилишида мартаба даражасига тавсия этиш масаласи маълумот-тавсифномада келтирилган иш фаолияти натижалари, касбий тайёргарлик даражаси инobatга олинган ҳолда ФХДЁ бўлими ходимининг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, мартаба даражаларига тавсия этилган номзодлар аттестация комиссияси томонидан суҳбатдан ўтказилиши мумкин.

8. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аттестация комиссияси томонидан қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

номзодга мартаба даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

номзодга мартаба даражаси бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида.

9. Аттестация комиссияси Агентликка тегишли туман (шаҳар) ҳокими томонидан тавсия этилган мартаба даражасидан юқори ёки паст мартаба даражаси бериш таклифи билан чиқиши мумкин.

10. Аттестация комиссияси комиссия ишида аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Аттестация натижалари комиссия мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади.

11. Аттестация комиссиясининг хулосаси мартаба даражасини бериш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳужжатлар билан бирга Агентликка тақдим этилади.

12. Агентлик ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда номзодларга мартаба даражаси бериш учун Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига таклиф киритади.

13. Мартаба даражаси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ташаббусига кўра берилганда аттестация ўтказилмайди.

3-боб. Яқуний қоида

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш
бўлимлари ходимларини мартаба даражалари
бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**ФҲДЁ бўлимлари ходимларини мартаба даражалари
бўйича аттестациядан ўтказиш комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси
2. Лавозимига кўра — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, комиссия раисининг ўринбосари
3. Лавозимига кўра — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
4. Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи
5. Лавозимига кўра — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бош юрис-консульти
6. Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси Кадрлар бўлими бошлиғи, комиссия котиби

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

669 «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2127, 2010 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 263-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
104-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
2018-58-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги
104, 2018-58-сон қарорига
ИЛОВА

**«Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс
эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимасидан «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 35-сон, 382-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ХЭТК томонидан етказиб берилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Бюро деб юритилади) ҳам иштирок этади.»;

в) 2-банднинг биринчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. ХЭТК электр энергиясини, электр энергетика соҳасидаги махсус ваколатли органнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланган электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан электр энергиясини етказиб бериш шартномасига асосан олади. ХЭТК ҳар ойда Бюро ва электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг тегишли вакиллари билан биргаликда электр тармоғининг баланс бўйича мансублилик чегарасида ҳисоб-китоб даври учун электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ёзиб олади.»;

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Истеъмолчи — юридик шахснинг электр энергияси (қуввати) учун, шунингдек реактив энергия ва қувват компенсацияси учун тарифга устама-лар, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди. Қарзни қоплашга йўналтирилган маблағлар, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти;

кредит 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» счёти — пеня бўйича суммага.»;

д) 8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Истеъмолчи — юридик шахсларга ҳисобот даврида етказиб берилган (сотилган) электр энергияси ҳажми, Бюро томонидан истеъмолчи билан биргаликда ёзиб олинган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларидан келиб чиқиб электр энергияси истеъмолининг амалга оширилган ҳисоблашни асосида аниқланади.

Истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақиқатдаги ҳажмини аниқлаш учун истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ХЭТК ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан ёки факсимиль ёхуд электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари ёзиб олинмаган ёки электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ХЭТК томонидан электр энергияси (шу жумладан, актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари назорат тартибида Бюро томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

е) 13-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Истеъмолчи — юридик шахснинг айби билан ҳисобга олиш асбоби бузилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), ҳисобга олиш асбобини улаш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш асбобидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолларда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчи — юридик шахснинг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича электр энергияси сарфини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:»;

ж) 17-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Истеъмолчи — юридик шахс томонидан олинган электр энергияси қийматини ўз вақтида тўламаганлиги учун пенялар ҳисобланган ҳолларда, ҳисобланган пенялар суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:»;

з) 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18. Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчи-юридик шахснинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, етказиб берилган электр энергияси учун

ҳисоб-китоб Бюрони хабардор қилган ҳолда ХЭТКнинг қарорига кўра, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:»;

и) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилганидан 5 фоиздан ортиқ миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда, истеъмолчилардан (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси (қуввати)нинг ортиқча олинган ҳажми, истеъмолчи — юридик шахснинг ҳисоботи билан ёки солиштириш далолатномаси билан тасдиқланган ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.»;

к) 20-банддан «жарима санкциялари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

л) 25-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ҳисобга олиш асбобини улаш схемаси ўзгарганда, приборга зарар етказилганда (истеъмолчининг айби билан) ёки пломбалари бузилганда, электр энергиясини ҳисобга олиш приборларидан ташқари бошқа электр қабул қилгичлар уланганда ва амалда истеъмол қилинган электр энергияси кўрсаткичларини камайтириш мақсадида бошқа қоида бузишларга йўл қўйилган ҳолларда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва маиший истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича электр энергияси сарфини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:»;

м) 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

н) 29-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Электр энергиясини ҳисобга олиш маиший истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Бюрони хабардор қилган ҳолда, ХЭТКнинг қарорига кўра, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) электр энергиясини ҳисобга олиш маиший истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда, Бюро ва ХЭТКнинг далолатномаси ва тўлов учун қўшимча ёзиб берилган тўлов ҳужжати асосида маиший истеъмолчига сотилган электр энергияси ҳажмининг ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисобланиши:»;

о) 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Тариф ўзгарганда, тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади.»;

п) қуйидаги мазмундаги 7¹ параграф билан тўлдирилсин:

**«7¹-§. Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш
жамғармасига йўналтирилган маблағларни бухгалтерия
ҳисобида акс эттириш тартиби**

43¹. Республика истеъмолчиларига электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлар ХЭТКларининг электр энергиясидан тушадиган пул маблағларини жамлайдиган ягона махсус ҳисобварағига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2902, 2017 йил 24 июль) мувофиқ Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ҳам тақсимланади.

43². Республика истеъмолчиларига электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлардан (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ ажратиладиган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳақини тўлашдан келиб тушадиган мақсадли маблағлар бундан мустасно) ажратмалар Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ва ХЭТК бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5500 ва ҳ. к.).».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

**«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқарув раиси**

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 9 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

670 Психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3050

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ–3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби ҳақидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
39-сон

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
31-қ/қ-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
50-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 августда эълон қилинган.

Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
34-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири****И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
14-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокурату-
раси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги
39, 31-ққ, 50, 34, 14-2018-сон қарорига
ИЛОВА

**Психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш
ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор
этиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ–3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ўз жонига қасд қилиш — шахснинг муайян сабаблар туфайли ўз ҳаётини тугатиш мақсадида содир этган суицидал ҳаракати натижасида шахснинг ўлими юз бериши;

ўз жонига суиқасд қилиш — шахснинг муайян сабаблар туфайли ўз ҳаётини тугатиш мақсадида содир этган суицидал ҳаракати.

2. Ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари бўйича маълумотлар сир сақланади.

3. Ички ишлар органлари ўз жонига қасд ва суиқасд содир этган шахслар ҳақида зудлик билан психиатрия муассасаларини хабардор этишлари лозим.

2-боб. Ўз жонига қасд ва суиқасд қилишнинг ҳар бир ҳолати тўғрисида психиатрия муассасаларини хабардор этиш

4. Ички ишлар органлари ҳар бир ўз жонига қасд қилиш ҳолати юзасидан 1-иловага мувофиқ шаклда ўз жонига қасд қилган шахс яшайдиган манзилдаги амбулатор психиатрия муассасасини зудлик билан хабардор этади.

5. Ички ишлар органлари ҳар бир ўз жонига суиқасд қилиш ҳолати юзасидан 2-иловага мувофиқ шаклда ўз жонига суиқасд қилган шахс яшайдиган манзилдаги амбулатор психиатрия муассасасини зудлик билан хабардор этади.

6. Ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари томонидан аниқланган тақдирда, ушбу ҳолат юзасидан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари жойлашган манзилдаги ички ишлар органлари зудлик билан хабардор этилади.

7. Амбулатор психиатрия муассасаларига ички ишлар органларидан ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари бўйича маълумот келиб тушгандан сўнг 24 соат ичида психиатр, психотерапевт ёки тиббий психолог ўз жонига суиқасд содир этган шахснинг яшаш манзилига бориши лозим.

8. Психиатр, психотерапевт ёки тиббий психолог ўз жонига суиқасд содир этган шахснинг рухий ҳолатидан келиб чиқиб, уни амбулатор ёки стационар психиатрия муассасасига йўналтиради.

9. Шахсда ўткир психоз ёки рухий касалликлар хуружи сабабли ўз жонига суиқасд содир этилганлиги аниқланганда, ушбу шахсга шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатилгач, у яшаш манзили бўйича психиатрия стационарларига ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

10. Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиаллари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари томонидан ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари бўйича ҳисобот тайёрланади.

Ҳисобот ҳар чоракда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суицидологи, ҳудудий бош суицидолог ёки бош психиатрларга тақдим этилади.

11. Амбулатор психиатрия муассасалари томонидан юз берган ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари юзасидан ҳисобот тайёрланади ҳамда ҳар чоракда ҳудудий бош суицидологлар ёки бош психиатрларга тақдим этилади.

12. Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиаллари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари ҳамда амбулатор психиатрия муассасалари томонидан тегишлилиги бўйича тақдим этилган ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суицидологи томонидан умумлаштирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суицидологи томонидан умумлаштирилган ҳисоботлар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўрганади ва вазирликнинг ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиб боради.

3-боб. Яқуний қоида

15. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Психиатрия муассасаларини ўз жонига
қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида
мажбурий равишда хабардор этиш
тартиби ҳақидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўз жонига қасд қилиш ҳолати ҳақида ХАБАР

«___» _____ 20__ й.

Ўз жонига қасд қилган шахс

Ф. _____

И. _____

О. _____

Туғилган йили _____

Яшаш манзили _____

Телефони _____

Жинси: эркак аёл

Ҳомиладорлик: бор йўқ

Руҳий ҳолати бўйича ҳисобда турадимиз?: ҳа йўқ

Қасд турлари:

механик асфиксия

захарланиш

юқори даражадаги иссиқлик таъсирида

ўткир анжомлар билан ўз танасига жароҳат етказиш

бошқалар

Қасд сабаблари:

руҳий касаллик

оиладаги келишмовчилик

руҳиятдаги ўзгариш

ўсмирларнинг ота-оналари томонидан жазоланишидан қўрқиши

шахсда туғма ва орттирилган касалликлар йиғиндиси

ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсирида

ўтказилган тазйиқ остида

- моддий етишмовчилик
- ўқиш ёки иш жойидаги келишмовчиликлар
- ишқий муносабатлар
- қариндошлари, дўстлари, бошқа шахслар билан келишмовчилик
- шаъни ва кадр-қиммати камситилган ёки номусига тегилганлиги
- узоқ давом этган жисмоний касаллик таъсирида
- қарзни қайтара олмаганлиги
- содир этган ножўя қилмишидан уялиш ва кўрқиш оқибатида
- тухмат ва ҳақорат таъсирида
- ўзгаларга таъсир ўтказиш мақсадида
- жавобгарликдан қутилиш мақсадида
- маиший муаммолар
- ижтимоий муаммолар
- сабабини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатлар

Қасд қилинган жой:

- яшаш манзилида
- кўчада
- иш ёки ўқиш жойида
- бошқа жойда

Психиатрия муассасаларини
ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари
тўғрисида мажбурий равишда хабардор
этиш тартиби ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўз жонига суиқасд қилиш ҳолати ҳақида
ХАБАР**

«___» _____ 20__ й.

Ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган шахс

Ф. _____

И. _____

О. _____

Туғилган йили _____

Яшаш манзили _____

Телефони _____

Жинси: эркак аёл

Ҳомиладорлик: бор йўқ

Руҳий ҳолати бўйича ҳисобда турадимиз?: ҳа йўқ

Суиқасд турлари:

механик асфиксия

заҳарланиш

- юқори даражадаги иссиқлик таъсирида
- ўткир анжомлар билан ўз танасига жароҳат етказиш
- бошқалар

Суиқасд сабаблари:

- рухий касаллик
- оиладаги келишмовчилик
- рухиятдаги ўзгариш
- ўсмирларнинг ота-оналари томонидан жазоланишидан қўрқиши
- шахсда туғма ва орттирилган касалликлар йиғиндиси
- ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсирида
- ўтказилган тазйиқ остида
- моддий етишмовчилик
- ўқиш ёки иш жойидаги келишмовчиликлар
- ишқий муносабатлар
- қариндошлари, дўстлари, бошқа шахслар билан келишмовчилик
- шаъни ва кадр-қиммати камситилган ёки номусига тегилганлиги
- узоқ давом этган жисмоний касаллик таъсирида
- қарзни қайтара олмаганлиги
- содир этган ножўя қилмишидан уялиш ва қўрқиш оқибатида
- тухмат ва ҳақорат таъсирида
- ўзгаларга таъсир ўтказиш мақсадида
- жавобгарликдан қутилиш мақсадида
- маиший муаммолар
- ижтимоий муаммолар

Суиқасд қилинган жой:

- яшаш манзилида
- кўчада
- иш ёки ўқиш жойида
- бошқа жойда

Биринчи ёрдам кўрсатган тиббиёт муассасаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

671 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-15

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 июль,
24/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 июлдаги 24/7-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 8-бандда «икки иш куни мобайнида» деган сўзлар «кейинги иш кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг иккинчи хатбошиси «тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари)» деган сўزلардан кейин «, товар-хом ашё бир-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 августда эълон қилинган.

жасининг очик электрон савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар — норезидент юридик шахсларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Банкларда мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб компьютерда дастурий тарзда ёки қўлда ёзилган ҳолда юритилиши мумкин. Қўлда ёзиладиган китоб рақамланган, ип ўтказиб тикилган, филиал раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзоси ва филиал муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.»

4. 16-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Норезидент юридик шахслар (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари, товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:»;

қуйидаги мазмундаги «д», «е» ва «ж» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«д) товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида қатнашувчи, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар — норезидент юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг консуллик ёки нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;

е) товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахс ва биржа брокери ўртасида брокерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси;

ж) ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар норезидент юридик шахслар ва инвестицион воситачи ўртасида брокерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси.»

5. 39-банднинг иккинчи хатбошиси «ваколатхоналари» деган сўздан кейин «ҳамда товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар — норезидент юридик шахсларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

672 «Спортчи» лавозимиغا қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 733-сон «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчи лавозимини жорий этиш ҳамда уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. «Спортчи» лавозимиغا қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ИСРОИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
11-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 20 июлдаги 11-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

«Спортчи» лавозимиغا қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 733-сон «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчи лавозимини жорий этиш ҳамда уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «спортчи» лавози-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 августда эълон қилинган.

мига қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тартибини назарда тутади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Спортчи» лавозими Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадвалларида назарда тутилади.

2. Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида «спортчи» лавозими бўйича штат бирликлари сони спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3. Мусобақаларга тайёргарлик кўриш, юқори натижаларга эришиш, Ўзбекистон Республикасини халқаро миқёсда юқори ўринларга кўтариш, шунингдек спорт турлари бўйича спорт мутахассислари ўртасида касбий тажриба алмашиш «спортчи» лавозимининг асосий вазифалари ҳисобланади.

2-боб. «Спортчи» лавозимига қўйиладиган талаблар

4. «Спортчи» лавозимига қабул қилиш учун қўйидаги талаблар қўйилади: танлаган Олимпия спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб бориши ва спорт тадбирларида қатнашиши;

Республика олий спорт маҳорати мактаблари ёки ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бирида шуғулланиши;

Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг асосий таркибидаги спортчи бўлиши; танлаган Олимпия спорт турлари бўйича тегишли спорт унвонлари ёки спорт разрядларига эга бўлиши.

5. «Спортчи» лавозимидаги спортчининг мажбуриятлари: спорт режимига, интизомга амал қилиш; оммавий спорт тадбирларини ташкиллаштиришда ёрдам бериш, шунингдек қатнашиш;

спорт-соғломлаштириш машғулотлари ўтказилишига кўмаклашиш; касбий касаллик ва спорт жароҳатининг олдини олиш мақсадида мажбурий даврий тиббий кўриклардан ўтиш;

мусобақа қоидаларига асосан тақиқланган услублардан, шунингдек сунъий стимулятор — допинг ва бошқа тақиқланган воситалардан фойдаланмаслик.

6. «Спортчи» лавозимидаги спортчиларнинг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

7. Спортчилар Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг асосий таркибидан чиқарилган тақдирда улар билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинади. Бунда у фақат «спортчи» лавозимидан озод

қилинади, бироқ спортчи шуғулланаётган спорт мактабида шуғулланишини давом эттириши мумкин.

3-боб. «Спортчи» лавозимига ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш

8. «Спортчи» лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июлдаги 235-сон «Бюджет ташкилотларида ишлайдиган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг касблари ва лавозимлари бўйича тариф разрядларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида ва тегишли ҳудудларда район коэффициентини қўллаган ҳолда иш ҳақи тўланади.

9. «Спортчи» лавозимига устамалар спорт мактаблари раҳбари томонидан Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ва бошқа спорт мусобақаларида эришган натижаларидан келиб чиқиб, спорт мактаби тренерлар кенгашининг қарорига асосан уларнинг лавозим иш ҳақиға нисбатан моддий рағбатлантириш жамғармаси доирасида белгиланади.

10. «Спортчи» лавозимига Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 177, 1995 йил 20 сентябрь) мувофиқ устамалар берилади.

Бунда, спорт мусобақаларида юқори ютуқларга эришганлик учун лавозим маоши (тариф ставкаси)нинг кўпи билан 50 фоизи миқдориди шахсий устамалар берилиши мумкин.

11. «Спортчи» лавозимидаги спортчининг спорт натижалари ёмонлашганда ва у «спортчи» лавозимига қўйилган талабларни лозим даражада bajarмаганда, спортчи томонидан меҳнат интизоми бузилганда устамалар спорт мактаби тренерлар кенгашининг қарорига асосан бекор қилинади ёки камайтиради.

12. «Спортчи» лавозими бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари спорт мактабининг тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоидалар

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 20 июль

*Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**2018 йил 20 июль**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**Ш. КУДБИЕВ**2018 йил 20 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

673 «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш орган-
лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз
кучини йўқотган деб топиш ҳақида

ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлда-
ги 498-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолия-
тини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённо-
ма қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза-
дан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг
давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекис-
тан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 ав-
густда эълон қилинган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 август
412-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги
412-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 сентябрдаги 222-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2272, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 432-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 51-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2272-1, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 96-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 305-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2272-2, 2016 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 607-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 4 августдан 10 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 9 июлдаги 2018-06-сон «Қимматли қоғозлар ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиши тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 2-мх, 37-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 17 июлдаги 40, 40, 253, 1/210, к-14-сон «Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3048.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июлдаги 332-В-3, 113, 25, 01/16-1-10/30-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-3.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 августдаги

407-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 104, 2018-58-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 39, 31-қ/қ, 50, 34, 14-2018-сон «Психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3050.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-15.

9. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 11-мх-сон «Спортчи» лавозимига қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 412-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Фуқаролик ҳолати да-

лолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 2272, 2011 йил 30 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2272-1, 2012 йил 2 март), (рўйхат рақами 2272-2, 2016 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 412-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.